2010 йил 31 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (11.665)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## 2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта қуриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида, олий ўқув муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришнинг ишлаб чиқилган принципларини ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинаётган ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқлари ҳамда соҳаларидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2010/2011 ўқув йили учун:

бакалаврларни 56 607 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича – 19 755 ва тўлов-контракт асосида – 36 852 нафар миқдорида, уларни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

магистрларни 5 856 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича – 1 561 ва тўлов-контракт асосида – 4 295 нафар миқдорида, уларни олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

бакалаврларни Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимига давлат грантлари бўйича – 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига – 50 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича – 15 кишини қабул қилиш квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан 2010/2011 ўқув йилига умумий қабул квотаси доирасида 11 300 киши миқдорида бакалаврларни қабул қилиш белгиланган, бу эса умумий қабул квотасининг 20 фоизини ташкил қилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010/2011 ўқув йилида Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари автомобиль инжиниринги, машинасозлик технологияси, саноат ҳамда фуқаролик қурилиши инжиниринги каби ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши миқдорида белгиланган.

3. 2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда мазкур қарор билан тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Тошкент шаҳридаги 32 та спорт мактабида минглаб ўғил-қизлар спортнинг 43 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.**



Қарор ва ижро

## ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ – БОЛАЛАР ИХТИЁРИДА





Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида спорт секциялари ва тўгаракларидаги машғулотлар жадвалларини мақбуллаштириш, спорт турлари, энг аввало, бадиий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш, болалар спорти иншоотларини малакали тренерлар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга оид кўплаб муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бугун пойтахтимизда мазкур қарор ижроси юзасидан болалар спорти мажмуаларида қўшимча спорт тўгараклари ташкил этиш, уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш ва тажрибали мураббийлар, жумладан, хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир Тошкент шаҳрида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшларнинг 138 минг нафардан зиёди, яъни қарийб 32 фоизи спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотларига жалб қилинган. Мавжуд 32 болалар ва ўсмирлар спорт мактабида минглаб ўғил-қизлар футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, қўл тўпи, бокс, кураш, самбо, дзюдо, бадиий гимнастика, каратэ, таэквандо, бадминтон каби спортнинг 43 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.



2009 йилда фойдаланишга топширилган Чилонзор болалар спорти мажмуасида айни кунларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг олти юз нафардан ортиқ ўқувчиси спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича машғулотларда ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга 20 нафарга яқин малакали мураббий спорт сирларини ўргатаётир.

– Спорт секцияларимизда шуғулланиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда, – дейди мазкур мажмуа директори Турсунбой Абдураимов. – Шуни ҳисобга олиб, бадиий гимнастика, футбол, теннис, акробатика каби спорт турлари бўйича қўшимча гуруҳлар ташкил этдик.

Мажмуада юртимизнинг таниқли спорт усталари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқлари ташкил этилаётгани болаларнинг спортга қизиқишини оширишда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, машҳур футбол мураббийи Миржалол Қосимов ва миллий терма жамоамизнинг етакчи футболчиси Одил Аҳмедовнинг маҳорат сабоқлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

– Беш йилдан бери футбол тўгарагига қатнашаман, – дейди мажмуа тарбияланувчиси Дониёр Лутфуллаев. – Мажмуамизда футбол билан шуғулланишимиз учун барча шароит бор.

Ўтган йили Чилонзор болалар спорти мажмуасининг 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат футбол жамоаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими кубогини қўлга киритди. Бу ғалабага иқтидорли ёш футболчилар – Азамат Алиев, Шерзод Абдусаматов, Умид Неъматиллаев муносиб ҳисса қўшди.

– Машғулотларда мураббийларимиз жисмоний, техник ва тактик тайёргарликка алоҳида эътибор бераётгани учун ҳам ана шундай муваффақиятларга эришмоқдамиз, – дейди ёш футболчи Шерзод Абдусаматов. – Ниятим келажакда моҳир футболчи бўлиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Чилонзор болалар спорти мажмуасида футбол бўйича Анатолий Коваленко, эркин курашдан Ҳусанбой Юсупов, бадиий гимнастика ва акробатикадан Айжон Ибрагимова, Оксана Пўлатова каби тажрибали мураббийлар ёшларга сабоқ бермоқда.

– Юртимизда бадиий ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда, – дейди тажрибали тренер Айжон Ибрагимова. – Буни ушбу нафис спорт турларига қизиқувчи қизлар сони тобора ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Спорт – ёшларни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг замирида ҳам айни шундай эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф-муҳит мусаффолигини асраш борасида 2009 йилда ва жорий йилнинг шу кунига қадар бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

✓ **ЎТГАН** куни Чилонзор тумани ҳокимлигида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар учун Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказиладиган тадбир «Тамаки — соғлиқ учун зарар» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Ёш олимлар кенгаши томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда инновацион технологияларнинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий конференция уюштирилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мусобақа иштирокчиларига табрик йўллади.**

**• Жиззах вилояти марказидаги Ёшлар шаҳарчасида «Куч — билим ва тафаккурда» номли кўргазма бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида касб-ҳунар эгаллаётган ёшларнинг ижодий ишлари намойиш қилинди.**

**• Ўзбекистон Давлат консерваториясида болалар ва ўсмирлар хор жамоалари республика кўрик-фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ғолиб жамоалар диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.**

**• Самарқанд вилояти Нуробод туманида лойиҳа қиймати 267,3 минг АҚШ долларилик «Шамс Мир» хусусий корхонаси фойдаланишга топширилди. Қирқ киши меҳнат қилаётган янги корхонада тежамкор технологиялар асосида ойига ўртача 300 минг донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.**

**• Оролбўйидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланмиш «Катекс» тўқимачилик мажмуаси негизида ташкил этилган «Нукус текстиль» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Янги корхонада 32 киши ишга қабул қилинган бўлиб, бу ерда тиббиётда кенг қўлланиладиган ва ички ҳамда ташқи бозорларда катта талабга эга бинт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**• Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ҳамкорлигида парижлик ёш гитарачи Тиво Ковеннинг концерти бўлиб ўтди.**

**• Жорий йилда Сурхондарё вилояти пиллакорлари 1483 тонналик «кумуш тола» хирмонини бунёд этиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар қути ипак қурти уруғидан ўртача 56,7 килограммдан ҳосил олинди. Эришилган муваффақиятга Жарқўрғон, Денов, Қумқўрғон, Шўрчи, Шеробод, Музробод туманларининг пиллачилари салмоқли ҳисса қўшди.**

### ЖАҲОНДА

**• Колумбияда бўлиб ўтган президент сайловларининг биринчи турида 47 фоиз овоз олган собиқ мамлакат мудофаа вазири Хуан Мануэл Сантос ғолиб чиқди. У ўзининг асосий рақибидан 25 фоиз кўп овоз олишга муваффақ бўлди. 20 июнда сайловларнинг иккинчи тури ўтказилганидан сўнг амалдаги давлат раҳбари Альваро Урибенинг ўрнини эгаллайдиган президент номи маълум бўлади.**

**• Грузияда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилди. Жумладан, унда мамлакатни бошқарувчи партиядан номзод Гиги Угулава Тбилиси шаҳри мэри этиб сайланди. Бу 2008 йилги Россия-Грузия ўртасидаги қуролли тўқнашувлардан кейинги дастлабки сайловлардир.**

**• Кеча АҚШнинг Янги Орлеан шаҳрида юзлаб кишилар намойишга чиқиб, Мексика кўрфазидаги улкан экологик ҳалокат учун «Бритиш петролеум» компаниясини судга бериш тўғрисидаги талаблар билан чиқдилар. Юқоридаги компания мутахассисларининг изоҳига кўра, шикастланган қувурдан чиқаётган нефтни тўхтатиш борасидаги сўнгги ҳаракатдан сўнг фақат унинг сизиб чиқишини камайтириш мумкин экан.**

**• Марказий Америкага хуруж қилган «Агата» довули 70 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Уларнинг асосий қисми Гватемала аҳолиси бўлиб, шунингдек, Гондурас ва Эквадордан ҳам қурбонлар бор. 20 кишининг эса бедарак йўқолганлиги айтилмоқда. Довул натижасида 70 мингдан ортиқ киши хавфсиз жойларга кўчирилди.**

**• Мексика жанубидан қадимий эҳром топилди. Эҳромга тўрт киши дафн этилган бўлиб, археологлар ушбу обиданинг 2700 йиллик тарихга эга эканлигини таъкидлашмоқда. Топилмани атрофлича ўрганиш учун экспертлар гуруҳи жалб этилди.**

**• Мавританияда тўрт нафар француз сайёҳларининг ўлимида айбланаётган «Ал-Қоида» жангарилар гуруҳининг бир нечта аъзоси ўлим жазосига ҳукм қилинди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# 2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бошқа вазирликлар ва идоралар қабулга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил қилиш ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатилишида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган квоталарга риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010/2011 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага қабул қилишнинг тасдиқланган квоталарига мувофиқ вужудга келаётган талабалар контингентини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш таклифларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишига нисбатан малака талаблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касби Классификаторини 2010 йилнинг 1 августигача ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг олий таълимнинг зарур профили ҳамда даражасидаги мутахассислар билан таъминланганлигини, шунингдек, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар ва магистрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжни ҳисобга олиш статистикасини такомиллаштириш бўйича таклифларни уч ой муддатда 2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 28 май*

---

**Афинада фаолият юритадиган Америка коллежи ҳузуридаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институтида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Грециянинг етакчи илмий-академик, эксперт-таҳлилчи ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.**

## ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

Институт директори, шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман иштирокчиси А.Андрианопулос ўз кириш сўзида жумладан шундай деди:

–Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган муваффақиятлари билан Греция жамоатчилигини таништириш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Ўз мустақиллигини қўлга киритганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлида эътиборли ютуқларни қўлга киритди. Мамлакат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини сақлаб қолди, кўпгина давлатларнинг ташқи қарзи ошиб кетган бир пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари пасаймади. Мен Тошкентда бўлиб ўтган анжуман иштирокчиси сифатида инқироз шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбариятининг стратегияси ва мантиқий ҳаракатлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдим.

– Ўзбекистонда илк бор 1997 йилда бўлганман, яқинда юртингизга борганимда эса ўтган давр ичида эришилган муваффақиятларни ўз кўзим билан кўрдим, – дейди «Папасаввас групп» компанияси президенти М.Папасаввас. – Мен мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни, қулай сармоявий муҳит ҳамда кадрлар тайёрлаш масаласига давлатнинг жуда катта эътибор қаратишини Ўзбекистонга хорижий ҳамкорларни жалб этувчи омиллар қаторида санаб ўтган бўлардим.

«European Profiles S.A.» компанияси президенти Д.Баколас ўз чиқишида қуйидаги фикрларни билдирди:

– Хом ашё заҳираларига эга бўлишнинг ўзигина мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти ва равнақини таъминлаб бермайди. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси мавжуд ресурслар базасидан самарали фойдаланиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Жуда улкан ҳажмдаги табиий заҳираларга эга бўлган кўплаб давлатлар инқироз даврида қийин аҳволда қолишди, Ўзбекистон эса бу пайтда ўтган йили 8,1 фоизни ташкил этган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатини сақлаб қолди. Бу – ҳукумат томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш сиёсатининг олиб борилгани, четдан ўзлаштирилган маблағлардан оқилона фойдаланиб, кўпроқ ички имкониятларга таянилганининг самарасидир.

**«Жаҳон» АА,**
Афина

---

**Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишида суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади – жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб islоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.**

# МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ

## ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган янгиланиш жараёни ҳақида сўз борар экан, суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминлангани одил судлов сифатини яхшилашга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Фуқаролик ишлари бўйича тортишув тамойилининг ривожланишида тарафларга, яъни ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, жумладан, адвокатура институти чуқур ислоҳ қилингани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг нуфузини ошириш ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Президентимизнинг мазкур фармонида адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида иккита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

*Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро судда ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари профессионал шахслар томонидан ҳимоя қилинишини истайди. Шунинг учун фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга шахслар, хусусан, адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этиши муҳим ўрин тутади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқулланиб, 2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида вакиллик институти тубдан такомиллаштирилди.

2009 йил сентябрь ойига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига биноан ишда иштирок этувчи шахснинг вакили (тарафлар, учинчи шахслар) сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахснинг, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилар эди. Бу фуқароларнинг юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни сифатли таъминламас, фуқаролик ишларида вакил сифатида иштирок этувчи кўплаб шахслар юридик маълумот ва тегишли билим ҳамда тажрибага эга бўлмасдан тарафларнинг ишончини суиистеъмол қилиши ҳолатлари кузатилар эди. Тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмай туриб, аҳолига муайян ҳақ эвазига сохта юридик хизмат кўрсатиш йўли билан ноқонуний даромад олаётган ҳамда қонунларни нотўғри талқин қилгани учун ҳеч қандай жавобгарликни зиммасига олмаган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказаётган бундай сохта вакилларнинг жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ушбу йўналишда фуқаролик ишлари бўйича судларда доимий асосда юридик маълумотга эга бўлмаган 150 нафар шахс, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун лицензияга эга бўлмаган 90 нафар юрист, жумладан жиноят ёки бошқа айбли ҳаракат содир этилганлиги учун лицензияси бекор қилинган 28 нафар юрист вакил сифатида иштирок этиб келган.

2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун бундай салбий ҳолатларни бартараф этди ва фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун янги имконият яратди.

Ушбу қонун талабига кўра, фуқаролик процессида адвокатлар, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари; юридик шахсларнинг ходимлари – шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича; нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари – шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича; қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари; биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчининг топшириғи бўйича вакил; ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида эътироф этилди.

Мазкур қонунда судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши ҳақидаги муҳим меъёр мустаҳкамлаб қўйилди. Бу жамиятда адвокатура институтининг ўрни ва нуфузини оширди, судлар фаолиятига турли хил аралашувларнинг олдини олиб, нохолис муносабатларга чек қўйди.

Ушбу қонун амалда тўғри татбиқ этилиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг шу йил 14 майда бўлиб ўтган йиғилишида "Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор қонуннинг амалиётда судлар томонидан тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланилишида муҳим аҳамият касб этади. Пленум қарорида суддаги вакил – ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда ҳуқуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахс эканлиги қайд этилди.

*Шу ўринда юридик ва жисмоний шахсларнинг вакилликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Юридик шахсларга тегишли ишларни уларнинг вакиллари юритади. Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ёки вакил орқали юритиши мумкин. Фуқаронинг шахсан иштироки уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Вакиллик қилиш фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва низо юзасидан адолатли қарор қабул қилишда судга ёрдам беришдан иборатдир.*

Маълумки, судда вакилликнинг қонуний, ихтиёрий, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, юридик шахсларнинг ва уставли вакиллик каби турлари мавжуд. Олий суд пленуми қарорида вакилликнинг ушбу турлари ва улар қандай фарқланиши бўйича ҳам шарҳлар берилди. Жумладан, қонуний вакиллик белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор фуқаролик ишларини кўришда мавжуд бўлиб, судда вакилнинг иштироки шарт бўлади. Қонуний вакиллик келиб чиқиши учун ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахснинг розилиги талаб этилмаслиги, қонуний вакиллар, шартнома бўйича вакиллардан фарқли равишда, Фуқаролик процессуал кодексининг 54-моддасида кўрсатилган барча процессуал ҳаракатларни махсус ваколат олмаган ҳолда мустақил амалга оширишга ҳақли эканлиги қайд этилди.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар шартнома бўйича вакилликнинг янги тури саналади. Вакилликнинг бу тури фақат жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган бўлиб, юридик шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди. Шунинг учун Олий суд пленуми қарорида қонуннинг ушбу банди ҳақида жисмоний шахслар вакили сифатида суд томонидан ишда қатнашишга рухсат берилган бошқа шахслар, башарти улар вакил сифатида судда касб тариқасида фаолият олиб бормаса, қатнашиши мумкин эканлиги тўғрисида тегишли тушунтириш берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераkки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамиятимиз ҳар бир аъзосининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Шу маънода судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши ҳақидаги муҳим меъёрнинг миллий процессуал қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши, энг аввало, фуқароларнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси**
**(ЎзА)**

---

**Иқтисодиёт**

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

**Изланиш бор жойда, албатта, янгиликлар яратилиб, уларнинг муваффақиятини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракатлар самара беради.**

«Chromos Production» масъулияти чекланган жамиятида ҳам маҳсулот турларини кўпайтириш борасида саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Айни пайтда бу ерда пишлоқ ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

2009 йилда фаолиятини бошлаган мазкур корхонада замонавий технология асосида «Appetito» савдо белгиси остида сарёғ ва маргарин тайёрланмоқда.

Маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда корхонада қисқа муддатда бир неча турдаги атир совун ҳам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Шу тариқа асосий мақсадга — маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланиб, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳажмини кенгайтириб боришга эришилаётир.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозланиши муҳим ўрин тутди. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда йилдан йилга ички бозор сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилиб борилаётгани албатта қувонарлидир.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Ширин дунё» қўшма корхонасида ҳам ҳозирда 50 турдан ортиқ сифатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 10 нафар ишчи-хизматчи билан иш бошлаган бу корхонада айни пайтда 70 нафардан зиёд ўз ҳунарининг усталари меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги корхонага яқин маҳаллаларда истиқомат қилувчи хотин-қизлардир.

Қандолатчилар аҳоли дастурхонига торт, вафли, печеньеларнинг кўплаб турларини тақдим этмоқда. Ҳозирда ушбу корхонага қарашли олтита фирмали дўкон ва 40 тадан ортиқ музлаткичлар билан таъминланган савдо шохобчалари орқали маҳсулотлар харидоргирлиги таъминланмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхонада ширинликлар асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Улар сифати, таъми ва дизайни билан барчага манзур бўлмоқда.

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**Кейинги йилларда тадбиркорлик соҳаси ривожига қаратилган эътибор соҳа вакиллари сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Тадбиркор Баҳодир Саидов томонидан Мирзо Улуғбек туманида очилган кичик тикув цехи замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда турли моделлардаги аёллар кийим-кечаклари, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожидаги ҳиссаси, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни йил сайин ошиб бораётгани гувоҳимиз, — дейди Баҳодир Саидов. — Тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар янада изланишга, ташаббус кўрсатишга ундайди. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаганман, иш бошлаганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида жамоа билан биргаликда турли дизайндаги либослар яратдик. Буюртмалар кўп тушмоқда, бундан руҳланган ҳолда янги лойиҳалар устида ҳам ишлаяпмиз. Келгусида корхонани кенгайтириб, эркакларга устки либослар яратишни режалаштирганмиз. Албатта, аввалambор ички бозорда ўз ўрнимизни топишга ҳаракат қиламиз

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**




№2(203) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

**Бугунги кунда инсониятни хавф остида қолдираётган муаммолардан бири юзага келган экологик вазият ҳисобланади. Бу ҳол жамоатчилик ўртасида катта ташвиш уйғотмоқда. Табиат бизнинг ҳаёт кечиришимиз учун барча шароитлар мавжуд ҳамда моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондирувчи бирламчи манбадир.**

## БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Экологик вазият жамиятнинг табиатга таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган нохушликларни олдиндан кўра олмаслик, пайқамаслик, билмаслик оқибатида мураккаблашиб боради. Инсон фан-техниканинг илғор ютуқларидан фойдаланиб, ер ости ва усти бойликларидан жадал фойдалана бошлади. Деҳқончилик, чорвачилик, ўрмончилик, қурилиш саноати ишлаб чиқариши билан шуғулланиш жараёнида иложи борича табиатга зарар етказмайдиган тарзда фаолият кўрсатиш лозим. Бизни қуршаб олган табиатнинг зилол сувлари, жилға ва шифобахш сойлари, мусаффо ҳавоси, улуғвор чўққилари, серунум тупроғию майсазорлари, қазилма бойликларидан нотўғри фойдаланиш катта хатога йўл қўйиш демакдир.

Табиат қанчалик бой ва серқирра бўлса, ҳаётимиз ҳам шунчалик гўзал бўлади. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик биохилма-хилликни сақлаш ким бўлишимиздан қатъи назар ҳар биримизнинг, айниқса ёшларимизнинг муқаддас бурчига айланмоғи лозим. Бугунги кунда фарзандларимизга табиатни севиш, уни авайлаб-асраш, табиатга ўта юқори маданият билан муносабатда бўлиш кўникмаларини бериш энг долзарб масалалардан бири эканлигига амин бўлмоғимиз лозим. Мақсадга эришиш учун аввало ёшларга табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини пухта ўргатишимиз, уларни бу масаланинг толмас тарғиботчиси қилиб тайёрлашимиз лозим бўлади. Бу муҳим масалага эътиборни кучайтиришнинг вақти келди. Акс ҳолда инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат бузилиб, табиий ресурслар қашшоқлашиб, инсониятнинг яшаши учун хавф туғилиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун табиатни севиш, уни ардоқлаб-асраш барчамизнинг бурчимиз.

**Ўктамжон ҲАТАМОВ**



## ТАБИАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

**Табиат инсоннинг экологик тарбиясига, шахслик жиҳатларининг руҳий ва ахлоқий-эстетик намоён бўлишига кучли таъсир ўтказади. Экологик онг шаклланишидаги эстетик йўналиш одамга табиат қонунларини чуқурроқ англаб, қабул қилиш ва у билан узвий алоқа ўрнатиш имконини беради.**

Экологик тарбияни болаликдан бошлаган маъқул. Ёшларда табиат ҳақида тасаввурни шакллантириш, табиатни авайлашга ўргатиш, табиий бойликлардан ўринли фойдаланиш, жамият билан табиат орасидаги алоқани англашга қизиқиш уйғотиш лозим.

Экологик таълим ва тарбия кўникмаларига эга бўлган ўқувчида, шубҳасиз, она табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайғуриш ҳислари уйғонади. Ҳар бир ўқувчи биосферанинг мураккаб тизимлиги ва унинг ҳолатига шахсан жавобгар эканлигини сезиши керак. Ҳозирги вақтда ёшларга экологик тарбияни янада кўпроқ сингдириш масаласи ўта муҳимдир.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг илмий-техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими томонидан ҳам ўқувчиларнинг экологик билими, маданиятини ошириш мақсадида бир қанча ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Яқинда шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда экологияга бағишланган ўқувчилар кўрик-танлови ташкил этилди. Тадбирда ўқувчилар ўз экологик билимларини синабгина қолмай, балки уни атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган ранг-баранг тасвирлар орқали намойиш этди. Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларига қўмита томонидан тақдим этилган ажойиб совғалар, ўйлаймизки, уларни келажакда она табиатни янада асраб-авайлашга ундайди.

Ёшларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбига она заминни севишдек буюк туйғуни сингдириш комил инсон бўлиб етишига замин яратади.

**Нодира ЭРКАЕВА,**
**мутахассис**

### Туманларда

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖ ОЛДИ

**Туманларда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш ва уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш тизимидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифалар доирасида Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Учтепа туманидаги «Ватанпарвар» маҳалласида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ҳозирги пайтда қўмита томонидан маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ишлари давом этмоқда, дарахтларга шакл бериш ва чиқиндилардан тозалаш ишлари якунланди.

36 та кўп қаватли уй йўлакларида таъмирлаш ишлари ташкил этилиб, назорат қилиб борилмоқда. Маҳаллада иккита болалар майдончасини қуриш мўлжалланган. Бу ишларни бажаришга, албатта, бевосита «Ватанпарвар» маҳалласида яшаётган фуқаролар ҳам жалб қилинган.

**О.ТУРОБОВ,**
**давлат нозири**

## СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ, УНИ АСРАЙЛИК

**Сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, у жонли ва жонсиз табиатни бирлаштирувчи муҳим бўғиндир. Сув нафақат атрофимизни қамраб олган, балки тана аъзомизнинг 70 фоизини ташкил этади. Ер юзининг 70 фоиздан кўпроқ қисмини ҳам сув эгаллаган.**

Инсон ҳаёти учун зарур бўлган чучук сув табиий сувлар умумий ҳажмининг фақат 2,5 фоизини ташкил этади, қолган 97,5 фоизи океан ва денгизлар, шўр сувлардан иборат. Инсониятнинг ўзи ўйламай, сувни исроф қилиши ва ифлослантириши натижасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун зарур бўлган тоза ичимлик суви камайиб кетмоқда.

Кўплаб завод ва фабрикаларнинг тинимсиз ишлаши ва маҳсулот ишлаб чиқариши учун уларга хом ашё, электр қуввати, ёқилғи ва албатта сув керак. Электр қуввати дастгоҳлар ва механизмларнинг ишлаши учун сарфланади. Ёқилғи турли мақсадларда ишлатилади. Сувчи? У ўз ишини бажариб бўлиб, кўп ҳолларда дарё ва ҳовузларга қайтиб келади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, завод ва фабрикалар табиатдан сувни қарзга олиб вақтинча фойдалангач, яна қайтариб беради. Бизни ўйлантириб турган муаммо шундаки, улар тоза сув олиб ишлаб чиқариш жараёнида турли аралашмалар билан ифлосланган сувни қайтаради. Бундай вазият юзага келмаслиги учун улар оқава сувдан зарарли аралашмаларни чиқариб ташлаш мақсадида тозалаш иншоотларини барпо этиши керак ва улар ишлаб чиқариш жараёнини ёпиқ сув таъминотига ўтказиши лозим, яъни сув ўрнига тозаланган оқава сувдан фойдаланиши керак. Бу нафақат тоза сув олишни камайтиради, балки очиқ ҳавзаларга оқава сув тушишининг ҳам олдини олади. Суғоришнинг янги технологиялари, масалан, томчилатиб суғориш усулини қўллаш қишлоқ хўжалигида сувни тежаш имконини беради. Тоза сув муаммосининг ижобий ҳал бўлишига шаҳар аҳолиси ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бунинг учун сувни тежаш, хонадонлардаги жўмракларни ўз вақтида ёпиб юриш керак, чунки оддий жўмракдан 1 дақиқада 15 литр сув оқиб кетади. Бундай жўмраклардан эса шаҳарда жуда кўп.

**Ўрол ҲАТАМОВ,**
**2-тоифали мутахассис**



## ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

**Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қуйидагилар тегишли қонун-қоидаларга риоя этмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган:**

- «Mirob Dizayn» ОАЖ директор ўринбосари Р.Мавлянов ифлослантирувчи моддалар меъёрдан ортиқ бўлган автотранспортларни фойдаланишга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 87-моддасига асосан 40 минг сўм жаримага;
- «Декор Импекс» ҚК ОАЖ бош директори В.Плесневич ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташлаш меъёрини ўрнатадиган ҳужжатларсиз ишларни ташкил қилганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 85-моддасига асосан 115 минг сўмлик жаримага;
- «Мафтуна коммуналчи» ХУЖМШ директори Х.Турдиев қора битумни очиқ алангада эритганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 88-моддасига асосан 100 минг сўмлик жаримага;
- «Динамо Шиндонг» ҚК ОАЖ ишлаб чиқариш бошлиғи Н.Яруллина ишлатилган люминисцент лампаларни сақлаш ва утиллаштириш қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 91-моддасига асосан 100 минг сўмлик жаримага;
- «SAB TEXNO STROY» ОАЖ ҚК ижрочи директори Ш.Бойбўриев табиий сув манбаларидан сув олиш лимити ва қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 74-моддасига асосан 113 минг сўмлик жаримага;
- «Пахтакабель» ОАЖ бош муҳандиси В.Воркалист атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалашда носоз тозалаш иншоотидан фойдаланганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 86-моддасига асосан 80 минг сўмлик жаримага;
- «Chenson» ОАЖ бошқарувчиси В.Ким экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 96-моддасига асосан 80 минг сўмлик жаримага,
- «Бинокор қурилиш конструкцияси» ОАЖ цех бошлиғи Э.Акбаров нефть маҳсулотларини ерга тўкиб, уларни яроқсиз ҳолга туширганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 65-моддасига асосан 151 минг сўмлик жаримага тортилган.

### 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

**“Тошкент-Ленд” истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан хайрия акцияси ташкил этилди.**

“Соғлом авлод учун” ва “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилган анъанавий хайрия тадбирига 1300 дан зиёд Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва пойтахтдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари жалб этилди.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Жумладан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси истеъдод соҳибларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга ошираётир. Бу каби тадбирлар нафақат байрамларда, балки йил давомида ўтказиб борилаётганлиги ҳам эътиборга молик.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Тошкент-Ленд” истироҳат боғида ўтказилган байрам тадбири давомида болажонлар учун барча кўнгилочар аттракционлар бепул хизмат қилди.

– Бу ерга иккинчи бор келишим, – деди «Туркистон-пресс» мухбирига 31-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дима Карабаев. – Менга боғнинг аттракционлари жуда ёқади. Тадбирни ташкил этган ташкилотчиларга ҳамда бизга шу қадар эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган барча-барчага ака-укаларим, сингилларим номидан миннатдорчилик билдириб қоламан. Келажакда жонажон юртимнинг муносиб фарзанди бўлишга ҳаракат қиламан.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**

## МЕҲРГА ТАШНА БОЛАЖОН

**Республика Болалар кутубхонасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун “Ҳар бир болага меҳр-эътибор” мавзусида хайрия тадбири ўтказилди.**

Юртбошимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда кенг нишонланади. Болажонлар шу куни яна бир бор меҳр-муҳаббат оғушида бўлади. Айниқса байрам тадбирларига меҳрибонлик ва мурувват уйлари, махсус мактаблар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари жалб этилади.

Болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбирда болажонлар илм масканида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар билан танишиб, “Кўзмунчоқ” рақс гуруҳининг бадиий чиқишлари, “Дийдор” театр-студиясининг саҳналаштирилган спектаклларини томоша қилишди.

— Фақат байрам баҳона эмас, бошқа пайтларда ҳам Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тадбирларини ўтказиб, уларга китоб ва турли совғалар тарқатамиз. Кўзланган мақсад кўнгли ўксик болаларга меҳр-мурувват кўрсатиб, дилларига қувонч ва шодлик улашиш, уларнинг қалбида эзгу туйғуларни уйғотишдир, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига кутубхона услубчиси Шоҳиста Эркахўжаева.

**Азима ҚИЁСОВА**

**Спорт янгиликлари**

## ЙЎЛЛАНМАЛАР ЯНА ИККИТАГА КЎПАЙДИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, спортга кенг жалб этиш, уларни жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар қилиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

Мамлакатимиз ёшлари спортнинг кўплаб турлари бўйича жорий йилнинг август ойида Сингапурда бўлиб ўтадиган I ўсмирлар Олимпиадасига йўлланма берувчи нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, ўн олтита йўлланмани қўлга киритгани фикримизнинг тасдиғидир.

Жумладан, бадиий гимнастика бўйича Азиза Мамажонова, эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Нурбек Ҳаққулов, Руслан Комилов, Диёрбек Эргашев, Нилуфар Гадоева, ёш боксчиларимиздан Сардорбек Бегалиев, Аҳмад Мамажонов, Зоҳиджон Ҳурбоев, спорт гимнастикаси бўйича Эдуард Шаулов ва Дилноза Абдусалимова, дзюдочиларимиздан Мансур Мамажонов ва Гулнора Матниёзова, сузиш бўйича Дмитрий Швецов ва Юлдуз Қўчқорова, стол тенниси бўйича Элмурод Холиқов ва таэквондо бўйича Абубакир Расулов I ўсмирлар Олимпиадасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маълумотига кўра, яна икки спортчимиз I ўсмирлар Олимпиадаси йўлланмасига эга бўлди.

Сингапурда енгил атлетика бўйича қитъамизнинг йигирмага яқин давлатидан 300 нафардан зиёд спортчи иштирокида ўтказилган Осиё чемпионатида Анастасия Байкова ва Руслан Қурбонов уч ҳатлаб сакраш баҳсларида биттадан олтин ва кумуш медалга сазовор бўлиш билан бирга I ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**




**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» спорт мажмуасида туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ҳамда халқ таълими бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ бўлимлари ҳамкорлигида 1- ва 2-Мурувват уйлари, 100, 102, 106-махсус мактабларнинг имконияти чекланган тарбияланувчилари ўртасида мини-футбол ва эстафета ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказилди.**

## БОЛАЖОНЛАР КУЧ СИНАШДИ

Ташкилотчилар таъкидлаб ўтганидек, бу тадбирни ўтказишдан мақсад имконияти чекланган болаларни оммавий тадбирларга кенг жалб этиш, спорт билан мунтазам равишда шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва шу тариқа соғломлаштириш, ҳаётга ишончини янада ошириш, иқтидорлиларини аниқлашдир.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**И.ДИЛШОДОВ**

**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ — ОСИЁДА ИККИНЧИ

**Футзал бўйича Осиё чемпионати мусобақаси якунланди.**

Аввал хабар берилганидек, қитъа биринчилигининг ярим финалида Ўзбекистон — Хитой, Эрон — Япония терма жамоалари куч синашди. Хитойликлар билан ўтказилган баҳсда ҳамюртларимиз 4:3 ҳисобида зафар қучди. Эронликлар эса японияликларни иккинчи ярим финал учрашувида йирик 7:0 ҳисобида мағлуб этди.

Осиё чемпионатининг бронза медаллари учун куч синашган Хитой ва Япония терма жамоалари беллашувида мухлислар еттита голнинг гувоҳига айланди. Японлар хитойликларни 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ниҳоят ўзбекистонлик мухлислар кутган онлар келди. Кеча «Ўзбекистон» спорт мажмуаси футзал майдонига Ўзбекистон-Эрон терма жамоалари олтин медаль учун баҳслашиш мақсадида тушди. Очиғини айтиш керак, Осиё чемпионлиги учун баҳс ҳамюртларимиз томонидан яхши бошланди. Учрашувнинг иккинчи дақиқасидаёқ Ирисалиев, кейинчалик Элибоев рақиблар дарвозасини икки марта аниқ нишонга олиб, жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Аммо эронликлар ўйинда бурилиш ясашнинг уддасидан чиқди. Пешовар ва Султоний аниқ ҳаракат қилиб, иккита гол киритишди ва ҳисоб тенглашди. Шундан сўнг тўлиқ устунлик эронликлар тарафида бўлди ва қизиқарли кечган беллашув 8:3 ҳисобида Эрон терма жамоаси ғалабаси билан якунланди. Вакилларимиз томонидан киритилган учинчи голга Элибоев муаллифлик қилди.

Осиё чемпионати якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, футзал мамлакатимизда кейинги пайтларда жадал ривожланиб бормоқда. Буни Тошкент иккинчи марта Осиё чемпионатига мезбонлик қилаётганлиги, терма жамоамиз эса учинчи марта Осиё чемпионатида кумуш медалларга сазовор бўлганлиги яққол исботлаб турибди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

### ИККИЛИКЛАР

Дил нидоси, тил садоси
икки сатр,
Яхши бўлса сўз шифоси
икки сатр.
* * *
Ҳаваснинг юзлари ёруғ
ҳамиша,
Ҳасаднинг юзлари
ёрилган шиша.
* * *
Кўнглим кўчасига
кирмоқчи эдим,
Кўнглимнинг ўзидан
тарсаки едим.
* * *
Гарчи бошинг осмон,
оёғинг ерда,
Сендан аввалгилар
пойингда, гўрда.
* * *
Таваккал наҳрида мардлар
сузади,
Ношуд ўлгунича режа тузади.
* * *
Армонсиз яшадим, деди тилида,
Армонини олиб кетди дилида.
* * *
У бахтга боқмади,
мен бекман деди,
Беклиги охири бошини еди.
* * *
Кувонч қариганда қайғу
бўлармиш,
Қайғу қариганда одам
ўлармиш.
* * *
Ойни кўрмай куяр кун
бўйи офтоб,
Тун бўйи керилар доғ
юзли моҳтоб.
* * *
Шаббода шивири шаклга сиғмас,
Кўнгилнинг тасвири ақлга
сиғмас.
* * *
Кувонч ўз кўшкига ҳар
кун киритмас,
Қайғу кўрғонига мудом
ўқ ўтмас.
* * *
Соддаликнинг сабоғи мушкул,
Ҳаддан ошса у қадрсиз кул.
* * *
Тўшакнинг пахтаси ор
қилар экан,
Қадридан ёстиққа зор
қилар экан.
* * *
Самога султонлик талаб
қилмагин,
Шабнамни шарафли
садаф билмагин.

(Давоми бор)

**Маҳалла**

## ОИЛАВИЙ ТАРБИЯДА ГАП КЎП

**Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Оила ва маҳалладаги, ўқиш ва иш жойидаги муҳит ҳар бир кишининг жамиятда қандай ўрин топишига бевосита таъсир кўрсатади.**

Оилада ота ёки онанинг носоғлом турмуш юритиши албатта фарзандга салбий таъсир кўрсатиб, келгусида у тарбияси оғир бўлиб вояга етиши, қолаверса, жиноятчи доирасига олиб бориши мумкин. Шу ўринда биринчи навбатда оилада муҳитни яхшилаш турса, маҳалла, қўни-қўшнилар эътибори бунда катта аҳамият касб этади.

Агарда ҳар бир оила маҳалла ғамхўрлигида бўлса, тарбияси оғир фарзанд ёки жамоага бўйсунмас ота ёки она доимо фаоллар доирасига чақирилиб, зарур йўлланма бериб борилса, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга ҳам эришилади. Тарбия оилада яхши йўлга қўйилган бўлса, маҳалла ўзининг борлигини ҳам билдириб турса, ҳар хил сабабларга ўрин қолмайди.

Айтиш жоизки, республикамизда тинчлик-тотувлик ҳукм сурмоқда. Аммо, афсуски, жиноятчилик бор. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, талончилик, безорилик, ўғрилик, гиёвандлик, фирибгарлик бир мунча кўпайиб бормоқда. Бу турдаги жиноятлар асосан оиласида носоғлом муҳит бўлган ёки тарбияси оғир ёшлар томонидан содир этилаётир. Бу шахсларни маҳалла фаоллари яхши билади, ҳар куни кўришиш имкониятига эга, яъни бу жиноятларни асосан маҳаллада доимий яшаб келаётганлар содир этади. Аввало маҳалла фаоллари ишончига кириб, ўзини ишбилармон ёки маҳалланинг жонбози қилиб кўрсатади.

Фирибгарлик жинояти ҳам кўпчиликнинг кўз ўнгида, маҳаллада содир бўлади. Чиройли кийиниб олган шахс таниш топади, меҳмондорчилик уюштиради. Куни келиб, у ўз домига илинтирган кишисидан йиғлаб-сиқтаб қарз олади. Кейин қарзни сўраб борган жабрдийдани овора-сарсон қилиб, унинг пулини ўз шахсий манфаатлари йўлида ишлата бошлайди. Бети қотган бу жиноятчи яшаш ва иш жойини ўзгартириб олиб, одамлар кўз ўнгидан ғойиб бўлади. Маҳалла бундай одамларни яхши билади, лекин аксарият ҳолларда уларга вақтида таъсир ўтказмайди.

Гиёвандлик жинояти маҳалланинг хилват жойларида, кечки пайтларда содир этилади. Гиёвандлар ҳам шу маҳалланинг ёш фуқароларидир. Уларнинг ота-онаси бу ҳақда билсада, ёрдам сўраб маҳаллага чиқмайди. Охири бу жиноят оқибати фожиаларга олиб келади.

Маҳалла бу бизнинг катта оиламиз, маҳалла фаоллари эса ота-оналаримиздир. Кекса авлод томонидан панду насиҳат, маслаҳат беминнат ва доимий тарзда бериб борилса, ўйлаймизки, жиноятлар содир этилишининг олди олинишига, улар камайишига ҳам туртки бўлади.

**А.АЗИМОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси терговчиси**

**31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни**

## ТАМАКИ — СОҒЛИҚ КУШАНДАСИ

**Одатда тамаки чекиш натижасида мия қон томирлари бироз кенгаяди, шу туфайли чекувчиларда гўё қандайдир янги куч пайдо бўлгандек туюлади. Аммо, айрим кишилар ўйлашича, чекишнинг кенг тарқалишига бундай ҳолат сабаб эмас.**

Тамакининг бу хусусияти жуда қисқа бўлиб, бир неча дақиқадан сўнг миянинг кенгайган қон томирлари кескин торайди ва толиқиш ҳосил бўлади. Чарчоқни ёзиш учун яна чекиш зарурати сезилади ва кашанда чекишни давом эттиради. Тамаки ёниши натижасида нафас йўлларига салбий таъсир этиши мумкин бўлган заҳарли кислоталар, 20 дан ортиқ алколоидлар, 27 хил алдегидлар, кетонлар ва ҳар хил саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин бўлган бирикмалар ҳамда радиоактив моддалар ҳосил бўлади.

Тамаки таркибида яна кўп миқдорда йирикроқ заррачалар ҳам бўлади. Булар нафас йўллари ва ўпкани жуда қаттиқ жароҳатлайди. Айниқса бронхит пайдо бўлади ва сурункали давом этади. Унинг тутуни энг аввало нафас йўллари орқали ўпкага тушиб, сўнгра деворларни яллиғлайди. Шунинг учун ҳам йўтал кашандалар ҳамроҳи ҳисобланади. Чекувчи сурункали бронхит, эмфизема (ўпканинг кенгайиб кетиши) каби касалликларга мубтало бўлади. Бронхларни ҳимоя қилиб турувчи ҳужайралар ўлади. Шу сабабли кашандалар чекмайдиганларга қараганда 10 мартадан кўпроқ нафас йўллари касалликлари билан хасталанади. Узоқ муддат ва кўп чеккан кашандалар асабий, жиззаки, жаҳлдор ва тез чарчайдиган бўлиб қолади. Бунинг баробарида эса уларнинг эслаш қобилияти пасайиб, бош оғриғидан шикоят қилади.

Тамаки сезги аъзолари ишини ҳам издан чиқаради. Масалан, таъм билишнинг бузилиши, кўриш ҳамда эшитиш қобилиятининг сусайиши шулар жумласидан.

Никотин меъда ва ичаклар қисқаришига ёмон таъсир қилади. Натижада овқат ҳазм қилиш меъёри бузилади: меъда-ичаклар яхши қисқармаслиги ярим ҳазм бўлган овқатнинг туриб қолишига сабаб бўлади. Унинг таъсиридан ичаклар сиқилади ва луқманинг сўрилиши бузилади, ичак деворларида қон айланиши ёмонлашади. Тамаки чекишнинг жигар ва ошқозон ости бези қаторида секреция безларига таъсир қилиши исботланган. Таъкидлаш жоизки, у жинсий безлар фаолиятини заҳарлайди, аёлларда ҳайз цикли узайишига, бола ташлаш ва тухумдонлар ишининг бузилишига сабаб бўлади, қалқонсимон без, буйрак усти безларига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, аллергик касалликлардан бронхиал астма, мигрень, квинке шиши, дерматит каби касалликларни ҳам келтириб чиқаради.

Чекмайдиган, лекин чекувчи олдида бўлган одамларнинг кўпчилигида нафас олиш қийинлашиши, балғам ташлаш, яъни нафас аъзолари касалликларининг биринчи белгилари юзага келади. Ва аста-секин зўрайиб бориб, бошқа аъзолар касалликлари келиб чиқади. Тамаки чекадиган одамдан ҳавога 80-90 фоиз тамаки тутуни тарқалади. Бу тутун атрофдагиларнинг нафас олиш органлари орқали ўпкага киради. Натижада улар ҳам «мажбурий» чекувчига айланиб қолади.

**Азизбек НИЗАМОВ,**
**Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси қошидаги «Саломатлик маркази» мудири**

*«MIROBOD TAMIRLASH-QURILISH» МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ойгача қабул қилинади.*
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 18-уй. Тел: 291-73-42, 411-37-08**


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5886 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 406

Топширилган вақти: 14.10